

ЎЗБЕКИСТОН
 REPUBLIC OF UZBEKISTAN
 MINISTRY OF CULTURE AND TOURISM
 INV. №

Она юртинг-олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 13 (66242)
 2000 йил 30 март.

Сотувда эркин нархда

НАВРЎЗИ ОЛАМ ГЎЗАЛ

ТИНЧЛИК ТИЛАДИК

Баҳор кириб келиши билан байрамларга байрамлар уланиб кетди. Юртимиз бўйлаб Наврўзи олам кезмоқда. Шу муносабат билан мактабимизда Наврўзга аталган тадбир бўлиб ўтди. 8-«А» ва 8-«Б» синф ўқувчилари ўзлари тайёрлаган шеър, қўшиқ, газал ва кичик сахна кўринишлари билан унда фаол қатнашдилар. Мактабимиз мудираси бизни Наврўз билан табриклаб, йил бошида қилинган тилаклар ижобат бўлади, дедилар. Биз юртимизда тинчлик бўлсин, байрам тинчликда ярашади, -деб ният қилдик.

Аҳрор АҲМЕДОВ,
 Собир Раҳимов туманидаги 11-мактабнинг 8-«А» синф ўқувчиси.

СИНФДОШЛАРИМ РЕПЕРТУАРИ

Ўлкамизда кўп асрлик халқимизнинг қадимий байрами Наврўзи олам кезмоқда. Қайга борманг гул, чаман...

Акмал Икромов туманидаги 203-мактаб ва «Катта Қаъни» маҳалла аҳли ҳамкорлигида гул Наврўз байрами бўлиб ўтди. Бу тантанана туман ҳокимининг биринчи муовини Бахтиёр Тўлаганов, хотин-қизлар кенгаши раисаси Адолат Эшонхўжаева, Тошкент шаҳар маҳаллалар фаоллаштириш кенгашининг раиси Аъзам Гадоёбоев ва бошқалар қатнашдилар. Бу тадбирда синфдошларим фаол қатнашиб, барчага шодлик улашдилар. Концерт номерларимиз биз ўйлаганимиздан ҳам жозибалироқ, қизиқарлироқ чиқди.

Адолат ФАЙЗИЕВА,
 Акмал Икромов туманидаги 203-мактабнинг 11-«А» синф ўқувчиси.



БОЛАЖОНЛАР

Ардоғимсиз, кўзларимнинг қароси,
 Боғимдаги гулларимнинг раъноси.
 Сизга бўлсин шеърларимнинг аълоси,
 Болажонлар, менга роса ёқасиз.

Хур ўлкамда бахтиёрсиз, беғамсиз,
 Илму-урфон боғларида бекамсиз.
 Қувончимсиз, шодлигимсиз, эркамсиз,
 Болажонлар, менга роса ёқасиз.

Эъозларда ўсмоқдасиз ўктам сиз,
 Меҳрлардан баҳра олган кўркам сиз.
 Келажакни кашф этувчи кўклам сиз,
 Болажонлар, менга роса ёқасиз.

Серфарзанд эл ўзбегимнинг шони сиз,
 Бир ижодкор опангизнинг жонисиз.
 Сизга ташна юрагимга дорисиз,
 Болажонлар, менга роса ёқасиз.
 Садоқат ФАЙЗИЕВА.

ЗИРАПЧА

ҲАЙДОВЧИ ЙЎЛИДАН ЮРАР АВТОБУС

Аслида автобус маълум йўналиш бўйича юриши керак. Шундайми?

Лекин Юнусобод мавзесини метронинг «Буюк ипак йўли» бекати билан боғлайдиган 83, 96, 129-автобусларга йўналиш белгиланган амакиларнинг гапи ерда қолган десам ишонаверинг! Ҳатто, Тошкент Халқа йўлининг тўғрига кўрсатган белгисига ҳам парво қилмай, йўл қоидасини бузишади.

Йўл қурувчилар «Бободехқон» ва «Сабзавот» маҳалласида яшайдиганлар узоғини яқин қилиш учун ўша халқа йўлининг очиқ қисмини беркитиб ташлашсамикан-а? -деб ўйлаб қоламан. Натижада йўл раҳбарларини менсимаган ҳайдовчилар мажбуран ўша бекатга келиб тўхташар эди. «Нега кўрсатилган йўналишдан юрмай, маҳалладагиларнинг оғир юклари билан пиёда қолдириб, баланд қаватли уйларга бурилиб кетасиз?», -деб сўраса: «Боғишамол» деган ошхона олдида машиналар кўп тўхтаб туради. Улар бурилиб олишига халақит беради», -деб айтишган ҳайдовчилар энди «Боғишамол» бузилиб кетди-ку» десак, «бизга саяркани кам беришади, аяймиз», -деб жавоб қиладиган бўлишди.

Хуллас, ҳайдовчилар ўз автобусларни ўзлари хоҳлаган йўлдан юришига бемалол баҳона топиб беришади. Маҳаллалардаги кексалару ёш-яланглар эса автобус қарийб икки бекат берида ташлаб кетган ердан ҳаётларини хавф остига қўйиб, Тошкент халқа йўли бўйлаб манзилга ошиқадилар.

Азизим «Тонг юлдузи»! Сенинг жамоатчи мухбиринг сифатида бу ҳолатни ёзгим келди. Зора, автобус йўналишини белгилайдиган қатъиятли амакилар бундан хабар топиб «автобус - ҳайдовчи йўлидан эмас, балки маълум йўналиш бўйича юради», -деб уларга тушунтириб қўйишса.

Гулноза МАҲСУДОВА,
 Тошкент вилояти,
 Тошкент туманидаги
 25-мактаб ўқувчиси.

БИЗГА БАЙРАМ ЯРАШАДИ

Собир Раҳимов туманидаги 46-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ҳам Наврўз байрамга катта тайёргарлик кўришибди. Жажжи болажонлар ўзларининг гўзал қўшиқлари, шеър ва рақслари билан барча йиғилганларга яхши кайфият улашдилар.

Айниқса, ўғил болалар кураш тушишда ўзларининг полвонликлари, соғлом ва бақувватликларини намойиш этишди. Қизлар ҳам бўш келишмади. «Келин салом»ни миллий урф-одатларимизга мос қилиб сахна кўриниши орқали намойиш қилишди. Ривоятлардан, боболаримизнинг хикматли сўзларидан айтишди.

Шу билан биргаликда ўқув-


чилар Наврўзда тайёрланадиган сумалак, ҳалим, кўк сомсага таъриф бериб, мезбонлик қилишди.

Наврўз байрамнинг чиройли ўтишида севимли устозлари - Ёқутхон Дадахўжаева, Мунаввар Исроилова, Санобар Нуритдинова, Мавлуда Шораҳимова, Муаят Хўжаева ва муסיқа ўқитувчиси Муборак Аҳмедованинг хизматлари катта бўлди.

Бошланғич синфлар бўйича илмий мудир Ҳалима Машупина ҳамда мактаб директори Маъмура Ёрмухамедовалар сўзга чиқиб, болажонларни Наврўз билан табрикладилар ва хотиржам юртга байрамлар ярашади, деб қўшиб қўйдилар. Ана шу Ватанга муносиб фарзанд бўлиш кераклигини таъкидладилар.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА.





МАКТАБДАГИ МУАММО

Ассалому алайкум «Тонг юлдузи» ходимлари!

Газета саҳифаларидаги Феруза Одилованинг «Муסיқа-қалб гўзаллиги» мақоласини ўқиб, ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Бизнинг 26- мактабимизда ҳам қўшиққа, муסיқага қизиқувчан ўқувчилар талайгина. Бизга муסיқа дарсидан Муҳаббат опа сабоқ берадилар. Бу соатни орзиқиб кутамиз. Ўқувчилар ўзларининг қўшиққа бўлган маҳоратларини очиқ-ойдин кўрсата оладилар. Аммо мақолада айтилганидек, 45-дақиқа бўладиган ушбу дарсимизда ўрганган қўшиғимизга мос бирорта чолғу асбобимиз йўқ. Чолғу-асбоблар у ёқда турсин, муסיқага оид китоб топа олмаймиз.

Қани энди мактабимизда санъатга оид турли тўғарақлар ташкил қилинса, биз ўқувчилар ҳам байрамларда халқимиз қувончига қувонч улашар эдик. Муסיқага оид дарсликлар бўлса эди, ундан фойдаланардик. Юртимизга бўлган садоқатимизни, меҳр-муҳаббатимизни шу қўшиқларимиз орқали намоен этар эдик.

*Феруза МАРАЖАПОВА,
Тошкент вилояти, Юқори
Чирчиқ туманидаги 26- мактаб ўқувчиси.*

«САЛОМ-САЛОМ, КЕЛИН САЛОМ»

Тинч ва осойишта юртдагина байрамлар нишонланади. Бу гапни-такрор ва такрор айтмайлик барибир жуда ёқимли. Юртимизда Наврўз тантаналари ҳамон давом этаётган бир пайтда пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбоев номли тиббиёт билим юртида ҳам «Ассалом Наврўз» шодиёнаси бўлиб ўтди.

Байрамни 128-гуруҳнинг ҳамшира бўлими қизлари «Келин салом» билан бошлаб беришди. Азиза исмли қиз тўй ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

- Тўй - улугъ неъматдир. Ҳар бир хонадонда тўй бўлсин. Ота-оналаримиз ўз фарзандларини тўй-томоша қилиб, бахтли бўлишини жуда хоҳлашади. Ўз ўрнида биз ҳам шунга ҳаракат қилишимиз лозим...

«Келин салом»да қизлар барча устозларига, ҳамшира опаларига салом қилишди. Айниқса, қизлар томонидан саҳналаштирилган қайнота, ака ва ука, амма-хола роллари даврага янада қувноқлик олиб келди.

«Келин салом»нинг қизиқарли чиқишида ҳамшира бўлими бошлиғи Сайёра опа Мағдиева, она тили ўқитувчиси Насиба опа Мухибоева ва гуруҳ раҳбари Дилбар Ибодоваларнинг хизмати катта бўлди.

Шундан сўнг 27- гуруҳ қизлари томонидан «Баҳор вальси» қўйилди. 125- гуруҳ қизлари эса «Сумалак тарихи»ни тасвирлаб беришди. Байрам қўшиқларга, қўшиқлар рақсларга уланиб кетди. Айниқса, Моҳира Асадованинг чиқиши даврага янада файз киритди.

Маълумки, ушбу тиббиёт билим юрти саксон икки йилдирки ўз фаолиятини давом эттириб келаёпти. Бу даргоҳда қанчадан-қанча қўли гул ҳамширалар, устозлар етишиб чиққан. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, меҳрли сўзлари билан ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган. Бунда албатта устозларнинг ўрни беқиёсдир. Бугунги кунда бу даргоҳга изланувчан шифокор, ўқитувчи - Турсуной опа Умарова раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

Бу каби байрамлар билим юртида кўплаб ўтказилиб турилади. Ҳар бир тадбирга Турсуной опа бош-қошлар. Шунинг учун ҳам қизлар:

*Икки касбни бир севган,
Раҳбарликни дўндирган.
Салом, салом, келин салом,
Турсуной опамизга салом, - деб бежиз айтишмади.*

Феруза ОДИЛОВА.

6-«А»ДАН ЎРНАК ОЛСИНЛАР!

Икки йилдирки бу синфга ёш, иқтидорли ўқитувчи Нуриддин Қурбонوف раҳбарлик қилмоқда. Нуриддин ака математикадан сабоқ берадилар. Шунинг учун бўлса керак, 6-«А» синф ўқувчилари математика фанини бошқа синф ўқувчиларига нисбатан чуқурроқ ўзлаштирадилар. Мактабдаги тадбирларда, тартиб-интизомда, озодликда ҳам бошқаларга ўрнак бўла оладилар.

Дарсларга кирганимизда ўқувчилардан ҳеч қандай камчилик топмаймиз. Масалан, синф раҳбарининг ишидан оддий бир мисол келтирсам: синфдаги ўғил болаларнинг сочларини тартибга солишни ҳам бир кунга мўлжаллаб қўйибдилар. Сочлари ҳам бир хил, мактаб формалари ҳам кўркам. Қараб тўймайсан, киши. Қани энди ҳамма синф ўқувчилари шундай бўлса. Уларни кўриб синфдан фахрланиб чиқиб кетсанг...

Туманимизда эркин кураш бўйича мусобақа ўтказилди. Ушбу мусобақада ҳам 1-ўринни шу синф ўқувчиси Б. Холбоев олди. Шуни аниқ айта оламани, эришилаётган ютуқларнинг ҳаммасида синф раҳбарининг аҳамияти катта. Шунинг учун бўлса керак, 6-«А» синфи мактабимизда «Мутлақ голиб» деб эълон қилинган. Бошқа синфлар ҳам 6-«А» синфидан ўрнак олсинлар!

*Раҳима ОТАЖОНОВА,
Хоразм вилояти,
Шовот туманидаги
41-мактабнинг бош етакчиси.*

«МАТЕМ»ДА «5» ОЛАСИЗ!

Баҳорги таътил кунларида қўлимга қизиқарли китобча тушиб қолди. Тушиб қолди-ю меҳрим ҳам бу китобчага ошиб қолди. Нега дейсизми? Чунки «Қатортол- Камолот» нашриёти томонидан чоп этилган «Шум бола математикаси» деб номланган китобча чиндан ҳам зўр!.. Китобни ўқиб нашрга тайёрловчи опамиз Жамила Тожибоевага раҳмат айтаяпмиз. Китобни ўқиган сари ҳам сабоқ оласиз, ҳам мириқиб қуласиз. Мана, айрим саволларни сиз ҳам ўқиб кўринг-а:

«Оқ эчкини тўртта қийшиқ оёғи бор экан. Унинг эгаси Умида холанинг эса атиги иккита оёғи бор экан. Ҳаммаси бўлиб иккаласининг нечта оёғи бор экан?» Ёки «Дорда 8 та ёйилган ёстиқ жилд қуриб турар эди. Олтита ёстиқ жилдини оқ эчки дордан олиб чайнаб ташлабди. Дорда нечта ёстиқ жилди қолди?» Математикадан нўноқ болаларга албатта бу китобни топиб ўқинг, дейман. Шунда «матем»дан беш баҳо олишингиз осон бўлади.

*Моҳира БОЙМИРЗАЕВА,
Тошкентдаги 248- мактабнинг 3-«Б» синф ўқувчиси.*

ЭЗГУ НИЯТ

Кейинги вақтларда телевидение, радио орқали компьютер деган сўзларни жудаям кўп эшитяпмиз. Тошкентдаги ўқувчилар компьютер нималигини яхши тушунибгина қолмай, усиз дарс, машғулотларни ўтказмайдилар, десак ҳам бўлади. Телевизорда «IBM» компьютерларида бемалол иш юритаётган тошкентлик тенгдошларини кўриб уларга ҳавас қилаётган қишлоғимиз болалари: «Қанийди, бизнинг мактабда ҳам компьютер бўлса», деган орзу-умидда ўтиришади. Чунки, мен ўқиган Қўрғонтепа туманидаги 21-мактаб ўқувчилари компьютер ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас-да. Гарчи, мактабни битираётган бўлишса-да, компьютерни фақат тасаввур орқалигина англаётган укажонларимга ачинаман. Мен ҳам компьютерни кўрмаганим туфайли университетнинг замонавий компьютерларида ишлашга анча қийнадим.

Азиз укажонлар! Умид қиламанки, сизлар ҳам тошкентлик тенгдошларингиз каби компьютернинг дўстига айланиб қоласиз. Биз учун «Соғлом авлод» йилида пул тўплаб, хажга ошиқётган ёки бирдан бойиб кетиб хайрли иш қилмоқчи бўлган ҳамқишлоқларимиз кўнглига Оллоҳ ният солса бас.

*Муножат МУМИНОВА,
ЎЗМУ журналистика факультетининг
1-курс талабаси.*

СОЧ КАЛТАМИ ЁКИ ЮБКА?

Кейинги вақтларда кўчаларда сочлари калта кесилган, калта юбка кийган қизларни кўп учратадиган бўлиб қолдик. Сабаби, улар ҳозирги замон ёшлари. Лекин соч кесмасдан, калта, тор юбка киймасдан замонавий бўлиш мумкин эмасми? Чунки бундай «замонавий» кийимлар ҳаммага ҳам ярашавермайди. «Сочни кесиш урф бўлган», - деб кесиб олиш ҳам!

Азиз дугоналар, кийимни ҳам ярашганини кийиб, сочни ҳам ярашиқли турмакларингиз. Шундагина сизларга ҳамма ҳавас билан қарайди. Инсоннинг ташқи кўриниши ички оламини ҳам очиб туради-ку, ахир!

*Хуршидабону ҚАМБАРОВА,
Миробод туманидаги
214-мактабнинг 11-
синф ўқувчиси.*

БАҲО УЧУН 300 СЎМ

Дугонам билан суҳбатлашиб ўтирдик. Унинг гапларини эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки у доим аъло баҳоларга ўқирди. Барчамизга маълумки, ҳозирги кунда лицейларнинг айримлари балли системада баҳоланяпти. Дугонам бу чоракда бетоб бўлиб қолганлиги учун етарли балл тўплай олмабди. Чорак баҳосини чиқариш учун устози: «300 сўм ва иккита китоб олиб берасан», - дебди. Дугонам: «Келмаган дарсларим учун жавоб бераман, - деса-да, кўнмабди.

-Агар олиб келмасанг, чорак баҳо чиқармайман, - деб сўзида қатъий туриб олибди. Ачинарлиси шундаки, дугонамдан биргина ўша ўқитувчи эмас, балки бир неча ўқитувчилар турли нарсалар сўрашибди. Дугонам олийгоҳ қошидаги лицейда ўқийди. Мен қаттиқ ажабландим, чунки бизнинг мактабда ундай устозлар йўқ. Наҳотки, айрим ўқитувчилар академ лицейлардаги ўқувчиларнинг билимига эмас, чўнтагига қараб баҳолашса...

*Шаҳноза РИХСИЕВА, 274-мактабнинг
8-«Б» синф ўқувчиси.*

«МУЗҚАЙМОҚ ТОҒИ»

Мен кутубхонадан китоб олиш учун навбатда турган эдим. Ёнимга қарасам «Хаёлпараст Аҳмаджон» деган китобга кўзим тушди. Муқовасининг устида тоғдай музқаймоқнинг расми бор экан. Мен у китобдан кўзимни узолмай қолдим. Қарасам, рўпарамда тоғдай музқаймоқ турибди. Мен эса мазза қилиб музқаймоқ ялаяпман. Уни еганим сайин унга ботиб борардим. Кейин «Ёрдам беринглар», - деб бақириб юбордим. Шунда кимдир «Эй, бола, сенинг навбатинг келиб қолди», - деди. Атрофга алаҳсиб қарасам, кутубхоначи опа менга гапираётган эканлар.

Афсус, қандай ширин хаёл эди-я!

*Абдураҳим СУЛТОНОВ, Юнусобод
туманидаги 274-мактабнинг 7-синф
ўқувчиси.*

УЧҚУН ВА ЗАНЖИР

Учқун ёш йигитча эди. Босқинчилар билан дўстлашиб, ўғрилик қилишни ўрганди. У аввалига кичик нарсаларни ўғирлай бошлади. Учқун бундай қилиш мумкин эмаслигини, таъқиқланганини билар эди. Лекин бундай ишлардан қайтмасди. Бир куни у темирчининг устахонаси ёнидан ўтиб кетаётганида йўл четида турган темирчининг занжирини кўриб қолди. У занжирни қўлига олди. Лекин шу заҳотиёқ оғриқдан бақириб юборди. Темирчи буни эшитиб югуриб чиқди ва Учқунга:

-Эй, ярамас ўғри, ҳозиргина занжирни ҳавода совиши учун қўйган эдим. Уни ўғирламоқчи бўлиб, жазонинг олдинг! - деди Учқун. Икки кун оғриқдан йиғлабди. Темирчи уни устахонасига олиб кириб, куйган жойига малҳам қўйибди ва дока билан боғлабди.

-Эй, ўғлим, бу сафар сени кечираман. Миршабга бермайман. Сен эса ўзинг учун бирор иш топгин. Касб ўрганиб, ҳалол нон - ризқ топгин, - дебди.

Учқун темирчининг сўзига кириб хунар ўрганибди. Ўз ишини сидқидилдан қилибди. Кейинчалик ўзининг катта заводига эга бўлибди. Ҳар сафар қизитилган печка ёнидан ўтаётганида ўғирлик қилиб, қўлини куйдиргани ва темирчининг сўзларини эслайдиган бўлибди.

*Гулчеҳра РАСУЛОВА
арабчадан ўғирди.*

ОЛИЙ НЕЪМАТ

Гўзал табиат - Оллоҳ томонидан берилган энг олий неъмат бу. Одамлар унинг бойликларидан оқилона фойдалансагина, у одамларга катта наф келтиради. Лекин биз табиатни асраб-авайлаяпмизми? Бирданига ҳа, деб жавоб бериш қийин, албатта. Чунки чор-атрофда юз бераётган турли нохушликлар, дарахтларнинг кесилиши, завод, фабрикалардан чиқаётган заҳарли тутунлар дилни хира қилади. Инсон - табиатнинг ажралмас қисми. Қадим замонларда ҳам инсонлар ўз эҳтиёжларини табиатдан қондиришган. Шундай экан, ҳар бир инсон уни асраш учун ўз ҳиссасини қўшиши керак. Бу ишларда биз ёшлар ҳам четда қолмайлик. Табиат неъматларидан баҳраманд бўлиш учун унга нимадир беринг, азиз тенгдошлар! Экинг парвариш қилинг.

*Раъно РАҲМОНОВА,
Муқимий номидаги 19-мактаб
ўқувчиси.*



5

СУБҲИДАМДА ҚИЛИНГАН НИЯТ

Тонгда субҳидам пайти бўлади. Қадимдан шу пайтда энг соф, покиза ниятлар қилган киши ниятига албатта етаркан.

Айни шу вақтда Тальятжон ўз хонасининг деразасидан укаси Азимжонни кузатиб турарди. Азимжон Бухорода ўтказилаётган футбол турнирига кетаётган эди. Тальят укасига ҳавасла боқаркан, онасига ўгирилиб, шундай деди:

-Онажон, қандай яхши-а! Азимжон футбол турнирида албатта голиб чиқади. Мен унга омад тилайман. (Афсуслангандай ўз оёқларига қарайди) Қани энди, менинг ҳам оёқларим соғ бўлиб, Азимжон билан бирга борсам...

Она ўғлини маҳкам бағрига босди.

-Болагинам, тойчоғим менинг. Сенинг бахтиёр бўлишинг учун нима керак бўлса ҳаммасини бажаришга тайёрман. Айт, нимани орзу қиласан?

-Ойижон, биласизми, мен пианино чалишни, бастакор бўлишни орзу қиламан. Лекин мен ҳеч қачон мусиқа тўрагагига қатнай олмаймакку...

Шу суҳбатдан бошлаб Наргизахон чора излаб, кўшненикига чиқди. Кўшниси Мелихон ва унинг қизи Севарахон онани тинчлантирди. Мелихоннинг яқин ўртоғи Венера Рўзиматова 217-болалар боғчасининг мусиқа раҳбари экан. Венера Тальятжонни имтиҳондан ўтказди. Тальятнинг куйларни ижро этиши, усулларни чиқариши, ноталарни эшитиши ҳар томонлама боланинг иқтидорини намоён қилди. Бу қобилиятни сезган Ве-

нера Рўзиматова Тальятжонга раҳбарлик қила бошлади. Тальятжон Акмал Икромов тумани 123-мактабнинг 4-синфида ўқиш билан бирга мусиқани ҳам севиб ўргана бошлади. Тальятжон мусиқага берилиб бир машғулот ичида икки, учта назарий қисмларини ўрганиб пианино чалишни ўрганди. Шу билан бирга шеър ҳам ёза бошлади:

*ВАЯЛАНИМ
Мен ўзбек ўғлидурман,
Ўқиб олим бўлдурман.
Ватанимга содиқман,
Эй, азиз ўзбек элим...*

Балки ҳақиқатдан ҳам, субҳидамда айтилган тилаклар рўёбга чиқаётгандир. Тальятга эса келгуси ишларида омад тилаймиз.

Людмила КОРНИЕНКО

Гүзал КЕЛМЕТОВА, Паркент туманидаги 35-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси:

- Ердан қор кетгач, атрофдаги камчиликлар тезда кўзга ташланади. Уларни вақтида бартараф этмасангиз, ўзингизни бировларнинг олдида ноқулай сезасиз. Шу мақсадда мактабимиз ўқувчилари Наврўз байрамидан олдин мактабимизнинг чор-атрофларини тозалашга киришди. Ўғил болалар ерларни юмшатиб, бўш жойларга турли мевали ва манзарали дарахтлар экишди. Мактаб йўлагига эса қизлар чиройли гуллар ўтказишди. Шанбалиқдан сўнг мактабимиз кўзимизга аввалгидан ҳам чиройли кўришиб кетди. Мен ойижонимга шу сўзларни айтганимда, улар:

-Бу сизлар қилган меҳнатнинг маҳсули, - дедилар. Таътил кунлари эса жуда қизиқарли ўтди. Гарчи таътил бўлса-да, мактабимиздаги тўғарақлар ишлаб турди. Мен «Тўқиш» тўғарагига қатнашаман. Унда турли иплардан болалар қалпоқчаси, нимча, чойнакка таглик тўқишларни ўрганиб олдим. Ўз қўлларим билан тўқиган чиройли дастурмолни эса ойижонимга байрамда совға қилди.

Мирсобид АХМЕДОВ, 40-мактаб ўқувчиси:

-Мен суратга олишга қизиқаман. Таътил кунларида суратхонага, амакимларнинг олди-га бордим. Уларнинг айтишича, суратга олиш учун ҳам маҳорат керак экан. Мен улардан суратга олиш сирларини ўргандим. - Аввал суратга олишни яхшилаб ўрганиб ол, кейин сенга фотоаппарат олиб берман, - дейди дадамлар. Ёзги таътилгача суратга олишни пухта ўрганиб олсам, мактабимиздаги барча устозларимизни суратга оламан.

Муҳаббат АЛИЕВА, 5-синф ўқувчиси:

-Мен бўш вақтларимда китоб ўқишни жуда ёқтираман. Наврўз кuni ойижоним, мен ва дадам сайр қилгани чиқдик. Шунда ойим менга Худойберди Тўхтабоевнинг машҳур китобларидан бири «Сариқ девни миниб» китоби билан Абдусалом Умаровнинг «Коинотга саёҳат» китобларини олиб бердилар. Уй юмушларидан бўшагач, дарров китобни қўлимга олиб, ўқишга тушаман. Мен тенгдошларимга ҳам мана шу китобларни ўқишларини таклиф қилардим.

БАҲОРГИ ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗДИНГИЗ?

Мана, баҳор келиб, атроф гулу лолалар ифорига тўлди. Турлитуман рангдаги ўрик-шафтолиларнинг гулини кўриб баҳридингиз очилиб кетади. Айниқса, баҳорнинг март ойи бир қатор байрамлар билан ўтганини айтмайсизми? Яқинда Наврўз байрамини нишонладик. Лекин, байрам тантаналари ҳали ҳам кўп жойларда давом этмоқда. Сиз, азиз болажонлар эса Наврўз байрамини нишонлаб, таътилга чиқдингиз. Баҳордаги таътилда ким нима билан шуғулланди? Биз шуларни билиш мақсадида баъзи тенгдошларингизга мурожаат қилдик. Марҳамат, уларнинг қилган ишлари билан сиз ҳам танишинг.



Азизбек, 27-мактабнинг 4-синф ўқувчиси:

-Мен баҳор фаслини яхши кўраман. Ҳозир ҳовлимиздаги ўрик дарахти жуда чиройли бўлиб гуллаган. Ҳовлимизга киришингиз билан димоғингизга хушбўй ҳиди урилади. Ҳовлимизда ҳатто лола ҳам бор. Дадамларнинг айтишича, у апрелда очилар экан. Таътилда ҳамма ҳар хил ишлар билан машғул бўлади. Лекин вақтни бекор ўтказиш бефойда. Биз акам иккаламиз бувимнинг қўй-сигирларини далага олиб чиқамиз. Нафақат биз, маҳалламиздаги болалар ҳам шундай қилишади. Сигир, қўйларни далага қўйиб юборгач, ўзимиз мазза қилиб футбол ўйнаймиз. Кечга яқин яна уй-уйимизга тарқаламиз. Хуллас, сигир-бузоқлар ҳам тўяди, биз ҳам мазза қилиб кенг далада тўп сураимиз.



Шерзод АМИНОВ, 12-мактабнинг 7-синф ўқувчиси:

- Наврўз байрами кўнгилдагидек ўтди. Лекин нимагадир ҳамма ишларда қизлар ўзларини кўрсатишади. Улар биз ўғил болаларга қараганда фаолроқ, демокчман. Мактабимизда ўтказилган байрамларда ҳам асосан қизлар иштирок этишди. Мана, таътил кунларини олайлик. Маҳалламизда фақат тўп сурган, уст бошини чанг-лойга қориган ўғил-болалару, уйни тозалоган, ҳатто таътил кунларида ҳам уйдан кўчага чиқмасдан ойисига, дадасига ёрдамлашган - қиз болалар. Шу ўринда ўғил болаларнинг қулоғига бир гап айтмоқчиман: келинг, биз ҳам барча ишларда фаол бўлайлик. Биз ахир келажакда ватан посбонлари бўламиз.

Нодира ХОЛИҚОВА, 5-«А» синф ўқувчиси:

-Биз Наврўз байрамини кўнгилдагидек ўтказдик. Уйимизга бувижоним келдилар. Уйимиз кенг қирларга тутшиб кетган. Биз синглим билан ариқ лабларидан ялпизларни териб келдик. Шунда бувижоним уларнинг бирини олиб: «Омонлик, сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик. Шу кунларга етказганига шукр», - деб ялпизни кўзларига сурдилар. Биз ҳайрон бўлиб қараб турганимизни кўриб:

-Болам, баҳорнинг илиқ-иссиқ кунларига етганимизга шукр қиялпман. Бизнинг замонимизда қишнинг аёзли кунларидан ҳамма ҳам эсон-омон чиқмасди, дедилар. Кейин менга ялпизни майда қилиб чопишни буюрдилар. Ойижоним сомса ёпдилар. Биз мазза қилиб ялпиз сомса едик. Таътил кунларида ойижонимга томорқа ишларида ёрдам бердим. Биз улар билан томорқага пиёз, саримсоқпиёз, ҳар хил кўкатлар экдик. Ҳовлимизнинг ён тарафларига эса турли гул кўчатларини ўтказдик. Ойижонимнинг айтишларича, улар ёзда очилар экан. Ёзда ҳовлимизни томоша қилишга келинг.



Зухра ШОМУРОДОВА, 10-мактаб ўқувчиси:

-Менинг ойижоним тикувчилар. Уйимизга деярли ҳар куни аёллар, қизлар турли-туман газламалар олиб келишади. Ойижоним уларнинг ўлчовларини олиб, қўйлак тикадилар. Мен уларни ишларини диққат билан кузатиб ўтираман. Кийимлардан қолган лахтақлардан кўрпача, ёстиқчалар тикаман. Мен яқинда чақалоқ укам учун қалпоқча тикдим. Ойижоним менга камчиликларимни кўрсатдилар. Шу камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилиб, яна битта қалпоқча тикдим. Буниси ойимга ёқди. Ўзимнинг ишимдан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Келажакда яхши тикувчи бўлсам, биринчи бўлиб ойижонимга чиройли қўйлак тикиб бераман.

Мана, азиз болажонлар! Сиз вилоятлардаги тенгдошларингизнинг таътил кунлари ва Наврўз байрамини қандай ўтказганликларини билиб олдингиз. Сиз-чи, таътилни қандай, қаерда ўтказдингиз? Шу ҳақда биз билан ўртоқлашинг. Сизнинг «Тонг юлдузи» нгиз!

Саҳифани
Озода Турсунбоева
тайёрлади.

КИМНИНГ ШЕЪРИ ҚАНЧА?

Мактуб кўнгил ойнаси. Сон-са-ноғи йўқ мактубларни бирма-бир кўздан кечирар эканман, бир лаҳза ўйга толаман. Жажжи ўқувчининг устози ҳақида тўлиб-тошиб қилган ҳикоясидан руҳим енгил тор-тса, меҳрибон онасига ёзган шеъ-ридан таъсирланаман. Айниқса, са-фингизда жажжи кўлчаларга қалам тутиб, юрт, она Ватан мадҳини қоғозга тушираётган тенгдошларингиз борлиги қувонтиради.

Бизнинг энг кўп муштарийларимиз Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидан эканлигини зук-газетхон яхши билади. Хулкар Абдуллаева, Шаҳноза Абдуллаева, Нафиса Ҳамроева, Умиджон Шоев, Гуласал Маҳмудовалар юртга бўлган меҳрини шеърий баён қилишибди:

*Тунда бешик тебратган,
Гўдагин улғайтирган,
Оҳи дунё титратган,
Бу-ўзбек аёллари.*

*Янграр юртда овози,
Қўлда оналик сози,
Қалба қайнар дил рози,
Бу ўзбек аёллари.*

Гиждувонлик тенгдошингиз Умиджоннинг бу шеъри бутун ўзбек аёлларига Наврўз туҳфаси бўлса ажаб эмас. Қанча дараю, қанча дарёлар оша учиб келаётган мактублар орасида Сурхондарё ва Қашқадарёлик тенгдошларингизнинг дил изҳорлари ҳам бизни бефарқ қўймади. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги 72-мактаб ўқувчиси Озода Алиқулова:

*Оқ каптару, оқ каптар,
Нияти оқ, пок каптар.
Тинчлик, Наврўз қушисан,
Доим бизга бахт келтир!*

дея яхши тилаклар қилса,
Қарши туманидаги А. Жўраев номли 18- мактаб ўқувчиси Мақсуда қаршиева «Капалак» деб номланган шеърини бундай бошлаб-

ди:

*Богда учар капалак, қўнади
гулдан-гулга,
Ранго-ранг қанотлари товланар
ялт-ялт нурда.
Рақс тушади беозор, яшнаб
кетади гулзор,
Учиб қанотин ёйса, қаноти ипак
мисол.*

Мақсуда ўз мактубида шеър ёзишни, ўқишни яхши кўраман деб ёзибди. Ва ... яна шеър ёзган дил ҳеч қачон ёвузлик қилмайди дея мактубини якунлабди.

Дарҳақиқат, тенгдо-шингиз ҳақ гапни айтди.

Шеър- ин-сонни юра-гидан оқи-б келувчи илоҳий туйғу.- Шеър ёзмоқ эса на тун, на тонг танлайди. Шеъ-рият йўли-осон йўл эмас-Бу йўлда гоҳ қоқилиш мумкин. Энг асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-

асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-

асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-

асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-асосийси- меҳнатдан, ти-

ятни туйдик.

Синглим Маърифатхон! Қай маънода сени ҳам ранжишинг ўринлидир. Лекин, таҳририятимиз газета саҳифасида чоп этаётган барча мақола-ю, шеърлар сенга ўхшаб олислардан мактуб йўллаган тенгдошларинг мактуби асосида тайёрланади.

Яна бир гап. Ҳар бир келаётган мактублардан фойдалана олмаслигимиз ҳам табиий. Сабаби, тенгдошларинг орасида оддий жумларни бир-бирига улаб қўйиб шеър ёздим дея кўкрак ураётганлар ҳам учраб туради. А-хир, шеър осонликча дунёга келмайди-ку?

Шеър ёзмоққа чоғланган ҳавас-манд тенгдошларинг ичида яна бир ҳолат бизни ранжитди. Баъзи бир «ижодкор» ўқувчиларнинг 2 мисра шеърдан 1 мисра-си таниқли шоир-у шоиралар сатридан олинганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ё-ки таҳририят ходимлари бу «хунаримиз»ни сезишмайди деб ўйлашдимикан? Не бўлса ҳам, шеър ёзмоқ- сохта обрў қозонмоқ эмас, балки ўзининг гўзал ҳис-туйғуларини ўзгалар билан баҳам кўрмоқ эмасми? Таҳририятда бола қалб, ҳар бир сатр қайси шоирга тегишли эканини тезда англаб етувчи ижодкорлар фаолият кўратади. Ўзгаларни алдаш-ўзни алдаш эканини унутмайлик.

Самарқандлик тенгдошларингиз Наргиза Ўтанова, Каттакўрғонлик

Сарвиноз Аҳмедова, Сарвиноз Азимова, Хулкар Ражабова, пайариқлик устоз-муаллим Узоқбой Мислибоев мактубларидан баҳорий кайфият, Наврўзи олам тароватини ҳис қилган бўлсак, учқўрғонлик Гавҳар Ашурова, чортоқлик Наима Солиева, қувалик Нодира Мамадалиева, андижонлик Нигора Абдуллаева, шахрихонлик Машҳура Исмонова, балиқчилик Ботирбек Собиров, Қорақалпоғистондан Дилфуза Худойбергано-ва, Худоёр Абдурахмонов, бахмаллик Ўктам Эгамов, мирзачўллик Сирожиддин Ҳиндибоевларнинг йўллаган шеърлари ҳам айнан юртимизда ҳукмрон-Наврўз ҳақида.

*Наврўзни кўрки бўлиб,
Қайнар энди сумалак.
Лобар қизлар жам бўлиб,
Учарлар ҳалинчалак.*

дея Наврўзни таърифлабди. Машҳура Исмонова «Баҳор қувончи» шеърда:

Шаҳрисабзлик 48-мактаб ўқувчиси Хулкар Ғаниева:
*Ният қилиб чиқар болбон боғига,
Мардлар минар завқланишиб тойига.
Чўпон хайдар қўй-қўйсин тоғига,
Демак, дўстлар юртга Наврўз келибди.*

дея шеър йўллабди.

Дарҳақиқат, фасллар бегойими баҳор ўзи билан гўзал онларни етаклаб келади. Бугун нафақат тилларда, балки дилларда Наврўз. Бу туйғу айниқса сатрларда ажиб жаранглайди.

Наврўзни яшиллик, яшариш фасли деб номладик. Демак, юртининг гўзал Наврўзни қадрлаб шеър ёзаётган дилларда ҳам ўша яшиллик, яшариш бор. Бу умидли кўнгиллар эзгулик томон интилаётган экан, бу йўлда уларга чинакам илҳом ёр бўлсин. Ёш ниҳолчаларни униб-ўсишида заминдан сув, самодан нур керак бўлади. Мен бу жажжи юракчалар она табиятга меҳр қўйиб, унинг гуллаб яшнашига ҳсса қўшишларини тилайман. Чунки баҳор уч ойлик фасил Гул экиб, кўчат ўтқазиб, унинг васфини қилганга не етсин!

Нилуфар ДАВИДОВА

Ўзи нима бўлганми?!

Ҳар бир қизнинг етилиш даври ўзига хос тарзда бўлади. Кўп қизларда у 9 дан 13 ёшгача бўлган даврга тўғри келади. Баъзиларда бу жараён анча эрта, бошқаларда эса анча кеч бошланади. Бу давр бошланишини тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин эмаслигини сиз билишингиз керак. У қачон сизнинг организмингиз бунга тайёр бўлса, ўшанда бошланади. Бу жараёнга қадам қўяр экансиз, сиз бошқалардан фарқли яхши ёки ёмон бўлиб қолмайсиз. Сиз шунчаки бошқаларга ўхшамай борасиз, чунки Сиз - бу Сиз ўзингиз ва бошқа ҳеч ким эмас.

Етилиш даври миянинг қуйи ёндоши бўлган гипофиз беги «эстроген» ва «прогестерон» деган гормонларни тухумдонлар ишлаб чиқаришига сигнал берганда бошланади. Айни шу гормонлар етилиш даври организмнинг юз берадиган кўпгина ўзгаришларни келтириб чиқаради.



КОПТОК ЎЙИНИ

Бу ўйин қиз болалар ўртасида кенг тарқалган. Ўйинчи коптокни ерга бир уриб, ўз гавдасини ўқи атрофида бир айланиб олади, копток ўзининг бўйи билан тенглашганда гавда мувозанатини сақлаб бориши шарт, яъни ўйинчи ҳар бир айланиб коптокни ерга урганда копток ўйинчининг бўйи билан баробар бўлиши шарт. Шу тарзда айланиб, коптокни тўхтатмасдан бир меъёрда энг кўп ерга урган қиз бола шу беллашувда ютиб чиққан ҳисобланади.

Ушбу миллий ўйинимиз ҳозирги замон бадиий гимнастикасининг копток билан машқ бажариш белгиси ҳисобланади. Ҳамда бу ўйин ёш қизларда вестибуляр аппарат (бош энсасини) мустақамлашга ёрдам беради.

Азиз қизлар, бувиларингиз қандай ўйин ўйнашган? Улардан сўраб олиб, бизга ёзиб юборининг!

«ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР» СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

15 - ТОПШИРИҚ

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

Нима? Қандай? Ким учун? Бу учта саволга жавобнинг моҳиятига кўра хўжалик юритувчи тизимлар уч хил.

1. Анъанавий иқтисодиёт.
2. Бозор иқтисодиёти.
3. Марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт кўринишида бўлади.

Анъанавий иқтисодиёт тизими Нима?, Қандай? Ким учун? деган саволларга жамиятдаги анъаналарга асосланиб жавоб беради.

Бундай иқтисодиёт тури жуда қадимги бўлиб, натурал хўжалик пайдо бўлиши билан бошланган. Ҳозирда эса қолақ, бутун дунёдан ажралиб яшаётган қабилаларда сақланиб қолган.

Бу қабилаларда юзлаб йиллик анъаналарга мувофиқ бир хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларга ота-боболардан мерос бўлиб келаётган усуллар ёрдамида ишлов берилди.

Ўз навбатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам эски урф-одатларга кўра тақсимланади. Одатда бундай қабилаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот қабила эҳтиёжларини аранг қондиради. Шу сабабли, бу қабила аъзолари бир амаллаб тирикчилик қилишади.

Анъанавий иқтисодиёт, ташқи дунё билан алоқа қилиш ва бориш қийин бўлган тундра, Африка чакалакзорлари, Сибир тайгалари, океанлардаги кичик одамларда ва баланд тоғларда истиқомат қилаётган жамоа ва қабилаларда учратиш мумкин. Марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётда Нима?, Қандай?, Ким учун? саволларига марказлашган ҳолда режалар ва буйруқлар ёрдамида жавоб берилди. Бундай иқтисодий тизимда қайси маҳсулот ишлаб чиқариш кераклиги марказлашган ҳолда режалаштирилиб, юқоридан буйруқ кўринишида пастга туширилади.

Шунингдек, бу маҳсулотларнинг қай тариха ишлаб чиқарилиши ҳам олдиндан режалаштирилиб, марказда ўтирган бир ҳовуч мутахассислар томонидан ҳал қилинади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳукумат томонидан тақсимланади. гарчи ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки бўлиб, хусусий мулк таъқиқланади. Ишлаб чиқаришдан олинган фойда давлат ихтиёрида қолдирилади ва у ҳам режага асосан тақсимланади.

Бундай шароитда жамият аъзоларининг ҳар қандай ташаббуси пастдан юқорига етиб бориши ўта мушкул бўлади. Шу сабаб ишловчилардаги янгиликка бўлган интилиш сўниб, юқоридан тушган буйруқни кўр-кўрона бажарувчи «робот»ларга айланишади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг самардорлигининг пасайишига, маҳсулот танқислигининг пайдо бўлишига олиб келади. Аҳолининг турмуш даражаси пасаяди.

Хулоса қиладиган бўлсак, марказлашган буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт юқорида қўйилган уч муаммонинг самарали ечимини топа олмас экан.

Бундай иқтисодий тизимнинг умри қисқалигини инсоният тараққиётининг яқин тарихи ҳам кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиёти тизими, режали иқтисодиёт тизимидан фарқли ўлароқ, ўзининг яшовчанлиги, иқтисодиётнинг уч муаммосини бозор ёрдамида ижобий ҳал қилганлиги билан ажралиб туради.

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ривожланган давлатлар мисолида амалда исботланди. Ҳозирда биз буни кўриб, эшитиб унга амин бўлиб турибмиз. Бозор иқтисодиётларининг хусусиятлари билан кейинги дарсда батафсилроқ танишамиз.

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ
МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони,
2- уй, 402-хона (Музаффар Пирматовга).
Мурожаат учун тел.: 139-49-32.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурснинг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Хайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

1-йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси.

2-йўналиш: Энг яхши бизнес-режа лойиҳалари конкурси.

3-йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурснинг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қилади. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

«Иқтисодиётдан сабоқлар» сиртқи мактаб конкурсига оид материаллар ва топшириқлар ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс
Ғолибларини
**ТЕЛЕВИЗОР,
МАГНИТАФОН,
АУДИОПЛЕЕР**
каби қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз.

Кичик конкурс иштирокчилари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мадақдор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари.

15 - ТОПШИРИҚ

ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР

1. Анъанавий иқтисодиёт танлов саволларига қандай жавоб топади?

Жавоб:

2. Қуйида келтирилган жумлаларга ўз муносабатингизни билдириңг. Тўғрисига «+», нотўғрисига «-» белгисини қўйиңг.

Марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётда:

1. Маҳсулотларнинг қай тариха ишлаб чиқаришни ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўзи ҳал қилади.

2. Қандай товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни марказдагилар ҳал қилади.

3. Ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк ҳисобланади.

4. Ишлаб чиқарилган маҳсулот давлат томонидан тақсимланади.

5. Қоида режага асосан тақсимланади.

3. Қуйидаги жумлани тўғри қайтадан ёзинг.

Анъанавий иқтисодиёт амал қилган жамоада қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жамоа оқсоқоллари ҳал қилади, марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётда эса олдинги йиллар нима ишлаб чиқарилганига қараб аниқланади.

Жавоб:

4. Марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиёт амал қилган мамлакатда нима сабабдан маҳсулот танқислиги вужудга келишини асослаб беринг.

Жавоб:

5. Марказлашган, буйруқбозликка асосланган режали иқтисодиётда Нима? Қандай? Ким учун? саволлар ўзларининг самарали ечимини топа олмаслигини асосланг.

Жавоб:

6. Режали иқтисодиётнинг анъанавий иқтисодиётдан афзалликлари борми? Агар бўлса, уларни сананг.

Жавоб:

7. Биринчи устунга анъанавий иқтисодиётга амал қиладиган ҳудудларни (жамоаларни), иккинчи устунга эса режали иқтисодиёт амал қилган мамлакатларни ёзинг.

Анъанавий иқтисодиёт | Режали иқтисодиёт

1. _____	1. _____
2. _____	2. _____
3. _____	3. _____
4. _____	4. _____

8. Аввал режали иқтисодиётга амал қилган мамлакатларда ҳозирги кунда қандай иқтисодиётга ўтилмоқда? Бундай ўзгаришларнинг сабаби нимада?

Жавоб:

БОЙСУННИНГ ТАНТИ ҲАҚИДА

Бу йил ҳам баҳор ўзгача тароват билан ўлкамизга кириб келди. Ўзи билан бирга Ҳайит, Наврўз байрамларини ҳам олиб келди. Шу байрамлар қатори яна бир байрам ҳақида Сизларни мухтасар хабардор қилмоқчиман.

Азиз ўқувчи! Сиз адабиёт дарсларида ёзувчи ва шоирлар ижодини ўрганиб толмайсиз, албатта. 6-синф адабиёт дарслик-мажмуасидан XX аср ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти, халқ оғзаки ижодига боғланган ҳолда адиблар асарларини қунт билан ўрганасиз. Жумладан, Шукур Холмировнинг «Ўзбек характери» ҳикоясини ҳаяжон билан ўқиган бўлсангиз керак. Ҳикояда қишлоқ ҳаёти пахта теримига борган талаба номидан тасвирланган... Нима ва ким ҳақида ёзмоқчи эканлигимни

дарров англагандирсиз?..

Халқ суйган адиб Шукур Холмиров шу кунларда ўзининг 60 баҳорини қаршиламоқда. 60 йил... Жуда кўп ҳикоялар, бир неча қисса ва романлар яратилишига гувоҳ йиллар...

Шукур Холмировнинг талабаликда ёзилган «Тўлқинлар» (1963) қиссаси замондошларимизнинг мураккаб тақдирини баён этиши ва ўзига хос маҳорати билан Абдулла Қаҳҳорнинг эътиборини тортган эди. Ёзувчининг «Ўн саккизга кирмаган ким бор?», «Олис юлдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош кўча» ҳикоялар тўплами, «Сўнги бекат», «Қил кўприк», «Йўловчи», «Олабўжи» романлари характерларга бойлиги билан ажралиб туради.

Келинг, яхшиси ёзувчи ҳақидаги

фикрларни унинг замондошлари, аниқроғи дўстларидан эшитайлик. Ўзбекистон Миллий Университетининг Маданият саройида адиб таваллуд топган 24-мартда катта байрам бўлиб кетди. Бунга ёзганларимизни ўқиб ўзингиз ҳам гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Тўрада - Шукур Холмиров, бир ёнларида рафиқалари Саида опа, яна бир томонларида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, атрофларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, профессор Қозоқбой Йўлдошев, Матқуб Қўшчинов, Ўткир Ҳошимов, Наим Каримов, Умарали Норматов, Усмон Азим, бойсунлик меҳмонлар, радио-телевидение, матбуот ходимлари чехраларида табассум билан кечага раислик қилаётган Абдулла Ориповни тинглашмоқда. Шоиримиз нима ҳақида гапиряптилар-а? Эшитайлик-чи.

АРЧА ТАГИДАГИ ДУМ

Ўзига хос мактаб яратган ёзувчи, ўзбек насрининг энг устунларидан бири, дўстим Шукур бугун 60 йиллик тўйини яқинлари даврасида тантана қилмоқда. Бойсунда туғилиб ўсган Шукур ўзини маҳоратли овчи ҳисобларди. Бир кун Шукур билан овга чиқдик. Қўлида қўшоғиз милтиқ. Отадими, йўқми кафолат беролмайман. Йўлда ўрмоннинг таърифини роса келтириб шундай деди: «Анави ёқда ёввойи чўчка, бу томонда айиқ, тўғрида бўри». Хуллас, ҳамма жой ваҳима. Шу ваҳимали хаёллар билан кетаётган арчанинг тагидаги думга кўзимиз тушди. Бир-биримизнинг орқамизга беркиниб қарасак, икита шохли ёввойи чўчка. Орқамизга қарамай қочдик. Бизнинг доду фарёдидан чўчиб, чўчка ҳам аллақачон қоча бошлаган экан. Шу югурганимизча Шукурнинг уйига қандай келиб қолганимизни билмайман. Аммо ўша ёввойи чўчка ҳалиям қочиб югуриб кетаётган бўлса керак.

Шундан сўнг ЎзМУнинг «Ўзбек филологияси» декани Қозоқбой Йўлдошев сўзга чиқдилар:

- Шукур Холмиров шакланган ёзувчи. Унинг қаҳрамонлари дарвеш табиат, табиатни севувчи инсонлар шаклида намён бўлади. Миллатни, қалбни шаклантиришда адибнинг ўзига хос ўрни бор. Буни ёзувчининг бир қанча асарларида кўриш мумкин.

Ёзувчини қутлашга Бойсундан ҳам меҳмонлар келишибди: Бойсун тумани ҳоким ўринбосари Хидир ака табригини эшитайлик:

ТУҒДОНА - ТОШНИ ЁРДИ

- Бойсуннинг ажойиб манзараларини у ерни кўрганлардан эшитинг. Шундай жойлари борки, кўриб бир умрга ўша ерларда қолиб кетгингиз келади. Бойсунда Туғдона дарахти бор. Бу дарахт олмос ҳам кеса олмайдиган тошни ёриб ўсиб чиққан. Ҳар баҳор шунақанги гуллайдики, асти кўяверасиз. Мен Шукур Холмировани ана шу Туғдона дарахтига қиёслайман.

Қандай чиройли қиёслаш, тўғрими? Навбатга чиқиб табриклайман деганлар сони жуда кўп. Қани, кўрайлик-чи, навбат кимга келибди. Адабиётшунос олим Матқуб Қўшчинов ўринларидан турдилар:

ФАҚАТ ЎЗИГА ҲАҚ

- Урушдан кейинги йиллар. Адабиётда андазабозликнинг тараққий этган даври эди. Ана шу студентлик йилларида Шукур «Тўлқинлар» қиссасини қоралади. Қисса Абдулла Қаҳҳорнинг эътиборини тортди, у Шукурга мактуб йўллаб, самимий қутлади. Бу воқеа ўша даврдаги эрдан чиқмайдиган воқеалардан бири эди. Шукур Холмиров ҳаётни қандай кўрса, шундай тасвирлайди. Кимлардир Шукурни Шолоховга, Хемингуэйга ўхшатадилар. Аммо у - Шукур Холмиров бўлиб қолаверади. У ҳеч кимга ўхшамайди.

Одил Ёқубовга ҳам навбат келди. Улар нималар ҳақида гапирар эканлар-а?

УЛОҚЧА ҚОЧИБ КЕТДИ

- Шукур Холмиров улғу ёзувчи, унинг ўз услуби, йўналиши бор. Энг катта қирраси - ҳеч бир ёзувчига ўхшамаслигидир.

Мен яна ёшлик давримизга биров қайтсам. Абдуллажон айтганидек, Шукур билан тез-тез овга чиқиб турардик. Бир сафар Шукур: «Бугун тоғда сизларга тандир кабоб қилиб бераман, мазза қилиб дам оламиз», - деб қолди. Хурсанд бўлиб Усмон, Шукур ва мен овга тайёргарлик кўра бошладик. Милтиқ, тандир кабобга битта улоқча ва бошқа керакли нарсаларни машинага ортиб йўлга тушдик. Машинани тўхтатиб, қуш овлашга киришиб кетибмиз. Битта ҳам қуш пойлай олмаган Шукур: «Бўлди-ей, улоқчадан кабоб пиширамиз»-деди, бизни ортга қайтарди. Келиб қарасак, улоқча қочиб кетибди. Жаҳлимиз чиқиб Шукурга: «Энди ўзингни кабоб қиламиз», - дебмиз.

Кулгидан ўзларини зўрға тўхтатиб Ўткир Ҳошимов гап бошлаб қолдилар:

ИККИТА ҲАЙКАЛ

- Тунов кун аёлимга: «Менинг инжиқликларимга, ўзгарувчан характеримга чидаб яшаб келаётганимга сенга битта ҳайкал қўйишим керак», - десам, у: «Унда Шукур ака Саида опага иккита ҳайкал қўйишлари керак экан-да, а?»-дейди. Албатта бу - ҳазил. Экскаватор ерни қандай шиддат билан ҳайдаса, Шукур қоғоз устида шунақа кўп ишлайди-ки, ҳатто зўр асар ҳам ёмон аҳволга тушиб қолади. Шукур Бойсун одамларининг фазилатларини адабиётга олиб кирди. Қуръонда: «Яхши бандасидан яхши амаллар, яхши китоблар, яхши шогирдлар қолади», - дейилган. Шукурда буларнинг барчаси мужассам.

Шундан кейин Ўзбекистон телевидениеси номидан Тўра Мирзо, сўнгра Усмон Азим, Ортиқбой Абдуллаевлар ҳам адибни қутлашди. Навбат Азим Суюнга келди:

НАСРГА ТОҒ БЎЛИБ КЕЛГАН ЗОТ

- Шукур Холмировнинг ҳар бир мақоласи, ҳикояларини эътибор билан ўқийман. Шунда беихтиёр Шукур Холмировни «Насрга тоғ бўлиб келган зот», дегим келади.

Биз Шукур Холмиров билан дачада ёнма-ён қўшнимиз. Қачон дачага борсалар, чайлада тинимсиз ижод билан шуғулланадилар. Мана шу чайлада бунёд бўлган асарлар бугунги кунда ўз мухлислари қўлида қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда.

Мана, ҳаммининг табригидан оздан Сизларни хабардор қилдим. Келинг, энди Шукур Холмировнинг сўзларини эшитинг:

-Сўзимнинг бошида шуни айтмоқчийдим, ушбу даргоҳ (ЎзМУ)дан жуда кўплар етишиб чиққан. Турли миллат вакиллари қозоқ, қирғиз, рус, татарлар ўқишга келиб, олти ойдан сўнг ўзбек тилида қийналмай гаплашиб кетарди. Бугун шу ерга келиб устозларимни, биздан кейин ишлаётганларни кўриб қувондим. Учрашувларга боришни унча хуш кўрмайман. Қозоқбой: «Сиз билан мулоқот қилиш қийин, аммо қилмасдан ҳам бўлмайди», - дейдилар. Бугунги учрашувга келганимдан бошим осмонга етди. Шу ерда йиғилган барчангизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Шундай йиғилишлар ҳаммамизга бундан кейин ҳам насиб қилсин!

Азиз ўқувчи! Сизларни хабардор бўлмоқчи бўлган байрамим шу ҳақда эди. Қалай, Сизга ёқдимми?

Ҳа, яна Сиз учун бир хушхабар. 7-синф учун чиққан янги адабиёт дарслигида Шукур Холмиров ижоди кенг ёритилган. Дарсликдан ташқари, ўзингиз адибнинг бошқа ҳикояларини ўқиб чиқинг. Таассуротларингиз ҳақида бизга мактуб йўланг.

Гулноз БАҲОДИР ҚИЗИ.

АР АЛАШ-КУР АЛАШ

ФУТБОЛ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ



Авваламбор футбол ҳақида тушунча бериб ўтсам. Футбол бу оёқ ва копток дегадир. Оёқда ҳакамни ёки рақибни тепиш, коптокда бошига уриш футболда таъқиқланмаган. Футболда урушиш, ухлаш, шахмат ёки шашка ўйнаш, чойхўрлик қилиш, рақиб мураббийсини уриш, коптокни

ҲАЗИЛНИ ТУШУНМАЙДИГАНЛАР ЎҚИМАСИН

қўлда ушлаш, дарвозани бошқа ерга кўчириш ёки кичрайтириш, дарвозага тўп киритмаслик учун дарвозани олиб ташлаш, газета ўқиш, олов ўйнаш, стадионда сузиш, овқат қилиш албатта мумкин.

Копток тепиш, ҳакамга пул бермаслик, дарахт экиш, ариқ очиш, хуллас футбол ўйнаш қатъиян маън қилинади.



Сақич... Йўқ, бўлмади. Ўзи 2та тиши борми-йўқми? Велосипедми? Йўқ... Оёғи яқинда операция бўлган. Яна сузаман деб сирпаниб тушмасин. Яхшиси, кўғирчоқ бераман. Зора уни ўйнаб касали эсидан чиқса. Шундай дедиму осмонга кўғирчоқ сотиб олгани чиқиб кетдим. Осмонга чиқсам, ўзимнинг ён қўшнимнинг тўтиси кўғирчоқ ва писта сотаётган экан. Шартга 0,25 тийин олиб қўлига бердим. У менга 9та 25 метрлик писта ва 3та 5 граммлик кўғирчоқ берди. Мен уйга қайтдим.

Қишнинг жазирамасила терлаб-пишиб кетдим. Қани энди қуёш чиқса-ю, ҳамма ерни совутиб юборса. Терларимни эритиб олардим. Шундай деб турганим, қуёш осмону фалакка кўтарилиб, бўрон бошланди. Тинмай дўл ёғди. Камалак ҳам чиқди. Мен камалакнинг устига чиқиб олиб, қумга калла ташладим. Қум илиққина экан. Маза қилиб чўмилдим. Балиқларни миниб олган эдим, Атлантика океанига ўтиб кетса бўладими? Чегарадаги миршаблар бизни тўхтатиб жарима солишди. Балиқнинг олдида доллари йўқ экан, мен тўлаб юбордим: Сўнгра балиқ мени уйимга элтиб қўйди. Шу пайт мени уйғотиб юборишди. Афсус, қандай нордон туш!

БАРИ РОСТ - 1

Мен сизларга лоф эмас, кўрган тушимни айтиб бермоқчиман.

Хуллас, воқеа мана бундай бўлган эди. Мен отимда Америкага ва Италияга бормоқчи эдим. У ерда мен пашшадан фил, чумоидан диназавр, қаламдан самолёт, тарвудан Юпитер сайёрасини ясамоқчи эдим. Афсуски, шу пайт отим ингичка ипга қоқилиб тушиб, оғир аҳволга тушиб қолди. Мен нима қилишни билмай 01 га кўнғироқ қилдим ва отимни миршабхонага олиб кетишларини илтимос қилдим.

Шу заҳоти шифокорлар етиб келишди ва отимни шифохонага олиб кетишди. Отимни 49 жойини операция қилишибди. Менга эса ҳар хил доривор ҳашаклардан олиб келишимни тайинлашди. Шаҳримиз яқинидаги «Юлдуз» тўқимачилик стадионига борсам, доривор ҳашаклар тўлиб-тошиб ётибди. Бир кучоқ ўриб олдим-да, поездга ортиб шифохона томон учдим. Отим эса 500 йил деганда шифохонада касал бўлиб, қутуриб чиқди. Бунинг учун мен зиёфат уюштирдим. Зиёфатга: эшакни, товукни, ойни, юлдузларни, Марс планетасини, Шокир темирчини, миршабхонадаги шифокорларни таклиф қилдим.

Зиёфат зўр ўтди. Ой ва товук ўлиб қолди. Нега дейсизми? Чунки, улар зиёфатда кўзиқорин дарахтини ва сигир тухумини кўпроқ еб қўйишибди. Унинг устига «Спрайт» шўрвадан 1,5 метр ичиб қўйишибди. Уларни «Жигули» машинасига солиб, жўнатиб юбордим. Эшак ва Шокир темир-

... 1 АПРЕЛ!

чи сут ичиб, маст бўлиб қолишибди. Уларни ҳам тезроқ уйига борсин, деб туяга ортиб юбордим.

Юлдузлар ва қуёш нарда ўйнаб ухлаб қолишибди. Шу сабабли уларни безовта қила олмадим. Улар шу ухлашганча туришмади. Эрталаб қуёшнинг ўғли келиб қолди. Унинг айтишича: қуёшхон қизи бетоб бўлиб қолибди. Қуёшни зўрға уйғотиб, кемага солиб учириб юбордим. Марс планетаси билан маза қилиб суҳбатлашиб ўтирувдик, телевизор жиринглаб қолди. Олсам, Марснинг қариндошлари экан.

Марснинг хотини 15000 та тухум қўйибди. Марс бу хушxabарни эшитиб хурсанд бўлиб кетди. У менга: «Болаларимга туркча исм қўймоқчи эдим», - деб қолди. Мен рози бўлдим. Унинг болаларига исм қўйишга киришиб кетдим.

Эшитинг: Чопволди, Етволди, Ўлволди, Сузволди, Шариди, Хариди, Сариди, Камила, Дангиса... Қалай, сизларга ёқдими? Албатта ёқади-да, зўр бўлгандан кейин.

Бу ишларни қўйиб турайлик, миршабхонадан келган шифокорларга қайтсак. Уларни хурсанд қилиш мақсадида аччиқ ва мазаси йўқ бодринглардан бердим. Уйларига олиб бориб экишса, бир кундан сўнг униб чиқади. Навбат шириндан-нордон отимга келди. Унга нима берсам экан?



БАРИ РОСТ - 2

Хуллас, кеча синфдошим билан гаплашдим. Унинг айтишича, «Марс»да ҳарорат 50 даража иссиқ экан. У совуқ қотганидан, мен билан тишларини такиллашиб гаплашди. Шу совуқда «лапша», яъни лағмон пишириб ўтирганмиш. Телефон қилиб, лағмонга қандай масалликлар солиш кераклигини сўради.

Мен эса шундай жавоб қилдим. Лағмон тайёрлаш учун: 3-4 тонна шаккар, 100 кг гаримдори, 1010 та кўзиқорин, бир чой қошиқ сув ва 10та

тарвуз дарахтини бутунлигича солиб, тагига барг ташлаб ёқмасанг, лағмон пишиб турибди-да! Уртоғим худди мен айтгандай қилган экан, овқатнинг иси бутун планеталарга тарқаб, меҳмонлар овқат егани кела бошлабди. Овқатнинг мазаси оғизда қолди. Ердаги айрим очофатларга айтмоқчийдимки, кимки мана шу лағмондан яна емоқчи бўлса, менинг олдимга келсин. Овқат ортиб қолган.

Сизлар билан яна газета орқали учрашаман, деб

Бахтиёр БАҲОДИР ўғли, 274-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
«Ijod dunyosi»
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма - К-7824
Газетани PENTIUM-11
mтх компютерида
Абдухамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.
Навбатчи:
Гулюз ВАЛИЕВА

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34

